

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 22 январь, № 15 (6450) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ФАРОВОН ТУРМУШ ВА ОБОДЛИК МЕЗОНИ



*Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида республикамизда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, хусусан, Жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси, унинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Эътиборлиси, кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган бундай объектлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Албатта, буларнинг барчаси минтақа иқтисодий салоҳияти, аҳоли ҳаёт даражаси тобора юксалаётганининг амалий ифодасидир.*

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

Зеро, ободлик — фаровон ҳаёт мезони. Мустаҳкам инфратузилма, замонавий қулайликлар, муҳташам иморату иншоотлар... Буларнинг барчаси бугун шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиши баробарида, юртдошларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда. Натижада тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида қўлга киритаётган ютуқларимиз салмоғи йил сайин ошиб бораяпти.

Муҳими, инсон манфаатлари йўлидаги бундай ислоҳотлар бардавом. Танлаган йўлимиз, кўзлаган манзилимиз аниқ. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, халқимиз ғайрат-шижоати эса эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилиб, юксак марраларни тобора яқинлаштираётир.

Ҳақиқатан ҳам, мустақил тараққиёт йилларида юртдошларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш энг устувор вазифага айланди. Шу мақсадда қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, уларда белгиланган муҳим вазифалар, чора-тадбирлар изчиллик билан ижро этилмоқда.

“Қорақалпоғистон Республикасини ичимлик суви билан таъминлаш ва реконструкциялашнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси” — ана шулардан бири. Айни пайтда мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳудудда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаяпти.

— Бошқармамиз Оролбўйи минтақасидаги шаҳар ва туманлар аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди “Туямўйин-Нукус” минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Рўзимбой Сейтов. — Жумладан, тасарруфимиздаги “Туямўйин” иншооти кунига 140 минг кубометр, “Тахиатош” объекти 60 минг кубометр, Нукусдаги гидроиншоот эса 65 минг кубометр обиҳаётни тозалаш қувватига эга.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



# ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Парламент аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳаво кемаларининг парвозлари хавфсизлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор тузатишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда муҳокама қилишдан ўз ишини бошладилар.

Шундан кейин депутатлар эътиборига айрим қонун ҳужжатларига фарзандликка олиш тартиби ва шартларини, уни бекор қилиш асослари ва оқибатларини такомиллаштиришга, шунингдек, ушбу жараён тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тақдим этилди.

Сўнгра халқ вакиллари қонунчилик ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этишни ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг турли жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича уларни ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Андижонда Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори ҳамда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ва янгиликлар мавзуига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашининг 2015 йилдаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● **Наманганда уюштирилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 130 га яқин фуқарога ишга кириш учун йўлланма берилди. Уларнинг 70 дан зиёди хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларидир.**

● Фарғонада “Ёшлар экоҳаётни танлайди” деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда ижодий беллашувнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликка эришган йигит-қизлар экологияга оид билим ҳамда иқтидорларини намойиш қилишди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# Конституциявий ислоҳотларнинг амалий ифодаси

Маълумки, 2014 йилда Конституциямизнинг 103-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ҳамда долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши белгиланди. Ушбу янгилик “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз ифодасини топиб, уни амалга ошириш механизмлари ҳаётга жорий қилинди.

**МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА**

Мухбирларимизнинг хабар қилишича, мазкур конституциявий қоидага мувофиқ, айни кунларда жойларда вилоят ҳокимлари вакиллик органларига ҳисобот тақдим этмоқда.

Қонунчиликка биноан, ҳокимларнинг ҳисоботини эшитишга бағишланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларида ҳудудлардан сайланган сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, қатор давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашаяпти.

Хусусан, **Андижон**да вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмановнинг ҳисоботи атрофлича муҳокама этилди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни Андижон вилоятида эришилаётган ютуқ ва натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Юртбошимиз ташаббуси билан Конституциямизга киритилган тузатишлар асосида вилоят ҳокимининг ҳисоботи эшитилгани жойларда давлат ҳокимияти ва бошқарувини такомиллаштириш ҳамда янада демократлаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлигини кафолатлаш, жойларда депутатлик назорати институтини мустаҳкамлаш, партияларaро рақобатни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Ш. Маматқулов. — Мазкур қоидалар, шак-шубҳасиз, маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролини янада ошириб, ижро органларининг масъулиятини кучайтиради. Қолаверса, ушбу амалиёт мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда таъкидланганидек, ўтган йили бутун республикамизда бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Пировардида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 103,6 фоизни, жумладан, саноат маҳсулотлари 122, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 108, қурилиш ишлари ҳажми 113,7, чакана савдо айланмаси 114, жами хизматлар 120 фоизни ташкил этди.

— Ҳисоботни Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси нуқтаи назаридан муҳокама қилдик, — дейди халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши доимий комиссияси раиси А. Абдуллаев. — Бинобарин, вилоят иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, манзилли ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# Миллий ва халқаро тажриба уйғунлиги

## қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим ўрин тутади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Парламентнинг иқтисодий ислоҳотларни, аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашдаги ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

К. Аденауэр номидаги фонд ваколатхонаси томонидан Қонунчилик палатаси билан биргаликда ташкил қилинган тадбирда парламентимиз қуйи палатаси ҳамда ГФР Бундестаги депутатлари, Германия ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий доираси вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, парламентнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида кенг миқёсда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОН — МАФТУНКОР ЗАМИН»

*Канаданинг машҳур “G Adventures” туроператори жаҳоннинг энг яхши сайёҳлик йўналишлари бешталигини эълон қилди. Мазкур рейтингнинг биринчи поғонасида Марказий Осиё қайд этилган.*

**ЭЪТИРОФ**

Минтақамиз ҳақида изоҳ берилар экан, жумладан, Ўзбекистон “Мафтункор замин” дея тавсифланган. Бу бежиз эмас, албатта. Юртимиздаги бетакрор тарихий обидалар, гўзал ландшафтлар, ўзига хос маданият, самимий меҳмондўстлик муҳити сайёҳларни жалб этувчи муҳим омиллардир.

Қолган ўринлардан Япония, Шимолий Бразилия, Шимоли-шарқий АҚШ ва Шри-Ланка жой олган.

**М. ҚОСИМОВ.**



# Энг муносиблар тавсияномага эга бўлади

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларида конституциявий бурчини ўтаётган ва олий ўқув юртларига ўқишга киришга имтиёзли йўлланма берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлиш истагини билдирган муддатли ҳарбий хизматчилар айни кунларда давлат тест синовларини топширмоқда.

**ЭЪТИБОР**

Хусусан, Тошкент ҳарбий округи, Марказий ҳарбий округ, Шарқий ҳарбий округ ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳудудидаги қатор ҳарбий қисм ҳамда муассасаларда Ватан ҳимоячиларининг интеллектуал ва жисмоний салоҳияти имтиҳондан ўтказилаётир.

Бинобарин, Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш жорий қилинган. Бундай ғамхўрлик уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Номзодларнинг билим ва маҳорати жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича, шунингдек, ҳарбий интизом ҳамда тест синовлари орқали аниқланаяпти.

(Давоми 3-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари фракциямиз йиғилишларида атрофлича муҳокама этилди, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Р. Ҳакимов.** — Ҳаво кемаларининг парвозлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича киритилаётган ўзгартиш ва қўшимча алоҳида аҳамиятга эга. Республикамизда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида имкон бўлган барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг нормалари ҳуқуқий чора-тадбирларнинг биридир.

— Парламент қуйи палатасининг мажлисида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари илгари фракциямиз аъзолари томонидан кенг муҳокама қилинган эди, — дейди **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг аъзоси Н. Мухторов.** — Биз бу қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳалари фуқароларнинг хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Албатта, биз қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назаримизни ишлаб чиқдик, қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида уни масъул қўмиталарга топширамиз.

— Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзоси К. Каромова.** — Ушбу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар Ўзбекистон томонидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига доир мажбуриятларини бажариш орқали ҳам амалга оширилади. Мазкур халқаро ҳужжатда болаларга нисбатан барча саъй-ҳаракатларда, бу ҳаракатлар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат муассасалари ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий органлар ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан бажарилишидан қатъи назар, биринчи навбатда, эътибор бола манфаатларини энг яхши тарзда таъминлашга қаратилади. Болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш жараёнида ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан мустаҳкамлаш фракциямизнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқ талаблари ва андозаларига тўлиқ мос келади.

— Адолат, барчанинг қонун олдида тенглиги ғоялари, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатини ҳимоя қилиш, “Адолат — қонун устуворлигидадир” принципини амалда рўёбга чиқариш асосий вазифалар бўлиб қолмоқда, — дейди **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг аъзоси У. Саматов.** — Бунда мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланган бола ҳуқуқларининг ҳимоя этилишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, фракциямиз кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлади.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмиталарга ушбу қонун лойиҳаларини депутатлар, мутахассислар ва экспертлардан тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, навбатдаги ўқишга тайёрлаш топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

# Конституциявий ислоҳотларнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан хусусий мулкнинг устувор ролини таъминлаш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини изчил қисқартириш, корпоратив бошқарув тизими тамойилларини ва унга ёндашувни тубдан ўзгартириш, хусусий мулкдорлар ҳамда тадбиркорлар қонуний ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилинди. 2015 йилда умумий қиймати 302,1 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши натижасида 3768 та лойиҳа амалга оширилди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида “бир дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатадиган Ягона марказлар ташкил этилган.

— Ҳисоботда қайд этилганидек, вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини изчил бажаришда аҳоли бандлиги, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз касблари бўйича иш билан таъминлашга муҳим эътибор қаратилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари А. Нурматов. — Шуни айтиш жоизки, ушбу масала партиямиз сайловолди платформасида белгиланган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун биз Бандлик дастури параметрлари ижросига алоҳида диққат қаратдик. Ўтган йили вилоятимизда 41 минг 257 та иш ўрни яратилишига эришилди. Эътиборли жиҳати, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига мўлжалланган. Барча сиёсий партиялар депутатлар гуруҳи тегишли доимий комиссиялар мажлисларида бу борада ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурга асосан, истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналиши — ишлаб чиқаришни узлуксиз технологик ва техник жиҳатдан янгилаш, ички захираларни доимий равишда излаш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, депутатлар томонидан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

— Вилоятимизнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда биз — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига катта масъулият юкланади, — дейди вилоят Кенгаши депутати Р. Тўйчиев. — Аввало, жаҳон миқёсидаги ҳали бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олган ҳолда қонунлар, давлатимиз раҳбари фармон ва қарорлари, ҳудудий дастурлар ижросини сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик институти салоҳиятидан унумли фойдаланиш, депутатлик назоратининг самарадорлигини ошириш, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш айни муддаодир.

Мажлисда Андижон вилояти ҳокими ҳисоботи юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Бухоро**да халқ депутатлари вилоят Кенгаши мажлисида вилоят ҳокими М. Эсановнинг ҳисоботи батафсил кўриб чиқилди.

Мажлисда қайд этилганидек, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсишини, унинг барча тармоқларини изчил ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, экспорт ҳажмини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

— Ҳокимнинг маҳаллий вакиллик органига ҳисобот тақдим қилиш амалиёти депутатлик назоратининг самарадор воситаси бўлиб, давлатнинг устувор вазифалари ҳамда стратегияси амалга оширилишининг бориши юзасидан тизимли таҳлил ва доимий назоратни таъминлаш имконини беради, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Азим Латипов. — Конституциямиз талабларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳокимларнинг ҳисоботи муҳокама қилиниши ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда самарали муҳокамалар ташкил этилишини таъминлашга ва пировардида, маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади.

2015 йил якунларига кўра, вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 107,5 фоиз ошди. Ўсиш суръати саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 108, қишлоқ хўжалигида 107, қурилиш-монтаж ишларида 111,7 фоизни ташкил этди. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 67,4 фоизга, саноатдаги улуши 32,6 фоизга етди.

— Ҳисоботни танқидий-таҳлилий кўриб чиқиш асносида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган омилларга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати Фармон Аминов. — Чунончи, вилоятда бошқаришнинг амалиётда синалган иш услубларидан самарали фойдаланилгани, замонавий тажриба жорий этилганлиги ўзининг ижобий натижасини берди. Бошқарув фаолиятига сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг кенг жалб қилингани ҳокимлик фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш билан бирга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Депутатлар ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Мажлисда таъкидланганидек, бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Бухоро вилоятида 2015 йилда 74 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани, доимий иш билан таъминланганларнинг 26 мингга яқини коллежлар битирувчилари экани диққатга сазовордир.

— Йиғилишда айрим соҳаларда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани аниқ мисоллар асосида танқид қилинди, — дейди вилоят Кенгаши депутати А. Турсунов. — Жумладан, баъзи туманларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Шу муносабат билан ушбу йўналишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари ва депутатлар фаоллигини кучайтириш, бу жараёнда сиёсий партиялар депутатлар гуруҳлари иштирокини янада кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мажлисда Бухоро вилояти ҳокимининг ҳисоботи юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш асносида депутатлар мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишди. Бунда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг қабул қилаётган қарорлари ҳамда уларнинг очиқлигини таъминлаш юзасидан масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, Истам ИБРОҲИМОВ.**

# Миллий ва халқаро тажриба уйғунлиги

## қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун, аввало, мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилган. Чунончи, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”-ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шу йўналишдаги ислоҳотлар, жумладан, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг қўлланилиши, кредитлаш ҳажмларининг кўпайиб бориши, рўйхатга олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисобот топшириш вақтида ортиқча сансалорлик тўсиқлари бартараф этилиши, назорат қилувчи идоралар аралашувининг чекланиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан ҳозирги вақтда 56,7 фоизга етди. Бугунги кунда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётир.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги Фармонига мувофиқ, Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳаётга изчил татбиқ қилинаяпти. Унинг асосида республика иқтисодиётида хусусий мулк ўрни ва аҳамиятини тубдан оширишга, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этишга, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартиришга, ялпи ички маҳсулотда, шу жумладан, хорижий капитал иштирокида хусусий мулк улушининг изчил ўсиб боришига қаратилган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Тадбирда Бундестаг депутатлари эътиборини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳамда аҳолининг ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган ислоҳотларга қаратдилар. Улар юртимиз нисбатан қисқа даврда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларни ривожлантириш ва ҳуқуқий базани такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришганига алоҳида урғу бериб, амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳоннинг демократик давлат қуриш иштиёқидаги кўплаб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

Германия парламенти аъзолари фикрича, Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонни демократик ривожланишдаги янги босқичга олиб чиқди. Давлат раҳбарининг чуқур ўйланган сиёсати мамлакатнинг бир қанча йилларга илгарилаб тараққий этиши стратегиясини белгилайди. Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ қилиш ушбу дастурга киритилганлиги эса юртнинг ҳар томонлама равнақ топишини кафолатлайди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ва Германия ўртасида барча соҳада, чунончи, иқтисодий, гуманитар ва маданий алоқалар йўлга қўйилгани баробарида, парламентлараро муносабатлар ҳам изчил ривожланаётгани хусусида сўз борди.

Учрашув чоғида Германия парламенти аъзолари парламентимиз қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган парламентлараро ҳамкорлик ривожи ҳақида ахборотга эга бўлди. Улар мулоқот давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганлигини, шунингдек, икки томонлама муносабатлар, айниқса, парламент ҳамкорлиги соҳаси янада мустаҳкамланишидан манфаатдор эканлигини билдирдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**



# ФАРОВОН ТУРМУШ ВА ОБОДЛИК МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда уларнинг соз ҳолатда ишлашини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратаяпмиз. Мавжуд ускуна ва қурилмаларимиз босқичма-босқич модернизация қилинаяпти.

“Тахиатош” сув тозалаш иншооти бундан беш йил аввал 8 миллион 867 минг АҚШ долларилик лойиҳа асосида реконструкция қилиниб, ишга туширилган эди. Ҳозир у орқали Хўжайли, Қонликўл, Шуманай ва Қўнғирот туманлари аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда. Иншоот раҳбари Мақсет Жумановнинг таъкидлашича, бу ерга энг илғор компьютерлаштирилган технологиялар ўрнатилган. Уларни ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларини тугатган мутахассислар моҳирлик билан бошқараётир.

— Жорий йилда Инвестиция дастури асосида 18 миллиард 241 миллион сўмлик маблағ ҳисобига 123,6 километрлик сув тармоқларини қуриш, 28 та насос агрегати ва 3 та иншоотни реконструкция қилиш кўзда тутилган, — дейди Р. Сейтов. — Бу орқали қарийб 36 минг нафар аҳоли хонадонида таъминот яхшиланади. Шунингдек, 13 минг 560 киши марказлаштирилган ичимлик сув манбаидан баҳраманд бўлади. Бу ҳадемай минглаб оилаларнинг турмуш фаровонлиги янада ошади, деганидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Сарҳадларимизнинг ишончли қалқонлари

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида “Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.*

## ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Зеро, ҳар бир мамлакат мустақиллиги аниқ йўналтирилган ва мустаҳкам қўриқланадиган чегарага эга бўлгандагина мавжуддир. Шу маънода, Ватан ҳимояси ҳамиша юксак масъулиятли ва муқаддас бурч ҳисобланади.

Диёримиз сарҳадлари умумий масофаси қарийб етти минг километрни ташкил этади. Ҳар бир қаричи стратегик нуқтаи назардан муҳимдир. Унинг хавфсизлигини таъминлашда чегара қўшинлари катта роль ўйнайди.

Бугун ўзига юклатилган вазифани бажара оладиган чегара постлари, манёвр бригадалари, илғор техника билан таъминланган замонавий ҳамда аниқ ташкил этилган чегара хизматига эга бўлиш нафақат республика сарҳадларини муҳофаза қилиш, балки терроризм, трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес, контрабанда каби бугунги давр хавфу хатарларига қарши курашишда долзарб аҳамиятга эга.

Алоҳида қайд этиш жоизки, энг яхши техник жиҳозланган чегара қўшинларида ҳам инсон омили доим асосий ўринда туради. Шунинг учун сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек шарафли ишга Ватанига содиқ, фидойи, ҳар қандай вазиятга ва ўз бурчини бажариш йўлида ҳатто жонини фидо қилишга тайёр профессионаллар қатъий танлов асосида саралаб олинади.

Ўз навбатида, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат, фидойилик кўрсатган чегарачилар доимий равишда рағбатлантириб келинмоқда. Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом эттирилди. Президентимиз Фармонига мувофиқ, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари қаторида, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Уларнинг орасида Фарҳоджон Олимов ҳам бор. Айни пайтда шартнома асосида ўз хизмат бурчини ўтаётган Фарҳоджон болалигиданоқ ҳарбий бўлишни орзу қилган. Шунинг учун коллежни тугатиб, чегара қўшинлари хизматига кирди. Мана, ўн йилдирки, у диёримиз сарҳадлари қўриқчилари сафида.

Сафдошлари ҳамда командирлари Ф. Олимовни масъулиятли ва меҳнаткаш, зарур билим ҳамда кўникмаларни пухта ўзлаштирган инсон, деб билади. Турли вазиятларни чуқур таҳлил этган ҳолда, тезда оқилона ечим топиш унинг ўзига хос фазилати ҳисобланади. Буни у кўп бор намоён этган. 2012 йилда Ф. Олимовнинг топқирлиги, ҳушёрлиги ва жасорати туфайли қўшни республикадан тоғ сўқмоқлари орқали Ўзбекистон ҳудудига 30 кг. опий хом ашёсини олиб киришга уринган уч нафар наркокурьер қўлга олинди. У бир ярим йил олдин ҳам навбатчилик пайтида 25 кг. гиёҳвандлик моддасини мусодара қилишда фаоллик кўрсатганди. Булар сарҳадларимизни қонунга хилоф тарзда кесиб ўтмоқчи бўлган контрабандачиларни қопқонга туширишда сергак чегарачи томонидан кўрсатилган фидойиликларнинг айримлари холос.

Бугун Фарҳоджон ўз тажрибаси баробарида, масъулиятли хизматининг нозик жиҳатларини ёш чегарачиларга ўргатмоқда. Унинг олижанoблиги ва садоқати давлатимиз раҳбари Фармони билан муносиб тақдирланди. Ф. Олимовга “Мардлик” ордени топширилди.

— Бундай юксак мукофотга лойиқ кўрилганимдан чексиз фахрланаман, — дейди у. — Президентимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги менга янада куч бағишлаб, ўз устимда ишлашимга қўшимча рағбат берди.

Чегара қўшинлари гуруҳи назоратчиси Сардорбек Маллаев ҳам мукофотланганлар рўйхатида ўз исми шарифини кўрганида, беҳад қувонди. У “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Сардорбек олий ўқув юртини тамомлаб, чегара қўшинларида хизмат бошлади. Олган билими, собитқадамлиги, меҳнатсеварлиги, ўз устида тинимсиз ишлагани учун у қисқа вақт ичида аскарларга намуна бўлди. С. Маллаев бекаму кўст хизмати, аъло билими, вазифасига юксак масъулият билан ёндашгани учун бир неча бор қўмондонликнинг мақтов ёрлиқлари билан тақдирланган.

Назоратчининг саъй-ҳаракатлари билан охирги йилларда чегара участкаларидан бирида умумий қиймати қарийб 175 миллион сўмлик турли товар ва моддий бойликларни контрабанда йўли билан олиб ўтишга бўлган қатор уринишлар тўхтатиб қолинди.

Сардорбек Маллаевнинг айтишича, жиноятчиларга қарши курашишда бор имкониятларни ишга солиш керак. Унинг фикрига кўра, ҳаттоки, ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда ҳам чегарачиларга хизматчи итлар энг яқин ёрдамчи ҳисобланади.

Бундай ёндашув 2014 йилнинг қишида яна бир бор ўзини оқлади. Сардорбек Линда лақабли хизмат ити билан мамлакатимиз ҳудудидан транзит орқали ўтаётган поездни кўздан кечирди. Вагонлардан бири текширилаётганда, жонивор безовталанди. Шунда С. Маллаев уни синчиклаб кўриб чиқишга қарор қилди ва адашмади. Сабаби, у ердан етти килограмм героин яширилган жойни топди.

Кўриниб турибдики, чегара қўшинларида ўз интеллектуал салоҳияти, жисмоний тайёргарлиги билан зиммасига юклатилган вазифани муносиб адо эта оладиган ёш ва истиқболли ҳарбий хизматчиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Улардан бири — 21 ёшли Анваржон Бекжонов. Хизматга киришганидан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўзининг яхши томонларини кўрсата олди. У қўмондонликнинг барча топшириқларини бажарар экан, доим билим даражасини оширишга интилади, спорт билан фаол шуғулланади. Анваржон масъулияти, ижрочилик ва тинимсиз ишлаш хусусиятлари билан ўзидан катта хизматдошлари орасида ҳурмат қозонди.

Ёш бўлишига қарамай, Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси А. Бекжонов ўз фаолиятида улкан ютуқларга эришди. Масалан, ўтган йилнинг август ойида у давлат чегарасини бузишга уринилган 24 та ҳолатни аниқлашда, сарҳадларимиз ва чегара режимини бузган 28 кишини ушлашда ўз иқтидорини намоён этди. Шу даврда умумий қиймати 26,6 миллион сўмлик товар ҳамда моддий бойликлар юртимизга ноқонуний олиб кирилишининг олди олинди.

Қолаверса, ўтган йили ёзда Анварjон чегара участкасида патруллик қилаётганида, ўзига билдирилган юксак ишончни яна бир бор оқлади. Қўшни давлат томондан ҳаракатланиб келаётган автомашина унинг эътиборини тортди. Қулай позицияни танлаб, транспорт воситасини кузатишда давом этди. Давлат чегараси чизиғига келган автоуловдаги қоплар туширила бошланганида, тревога сигналини берди. Шу пайт қонунбузарларнинг тўртта қопдаги валютани чегарадан олиб ўтишга бўлган уриниши аниқланди. Ёш чегарачининг ҳушёрлиги боис шу куни 2 миллион 368 минг АҚШ доллари ушлаб қолинди. Валюта давлат фойдасига ўтказилди.

— Ватанимиз сарҳадларини ҳар қандай хатардан асраб-авайлаш — муқаддас бурчимиз, — дейди “Жасорат” медали соҳиби А. Бекжонов. — Бундан кейин ҳам ўз бурчимизни сидқидилдан бажаришга бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Мухтасар айтганда, чегарачиларнинг профессионаллиги ва жонбозлиги, жасурлиги ҳамда ватанпарварлиги, ҳаракатларининг қатъий тартибда эканлиги барчамизга катта ишонч ва ифтихор бағишлайди. Зеро, улар саъй-ҳаракати билан юртимиз тинч ҳамда осойишта, кўнглимиз хотиржам.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Тотувлик ва бағрикенглик — тинчлик гарови

Самарқандда "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тинчлик ва осойишталик омили" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

**ТАДБИР**

Республика Байналмилал маданият маркази, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган анжуманда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, миллий маданият марказлари фаоллари, ёшлар қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатлари, хусусан, тинч ҳамда фаровон ҳаёт учун хизмат қилаётгани, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 100 дан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик юртимиздаги тинчлик, хавфсизлик, буюк келажакни барпо этиш йўлидаги улуғвор саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг равишда янада ривожланаётир.

— Конституциямизнинг 4-моддасида "...Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", деб қайд этилган, — дейди Маънавият тарғибот марказининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Салоҳиддин Санақулов. — Бу тамойил ҳаётда тўлиқ амалий ифодасини топмоқда. Турли миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун зарур шароитлар яратиб берилган. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларида таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани, кўп сонли миллатлар тилида газета-журналлар чоп этилаётгани, радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Анжуман давомида вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаси ғолиблари муносиб тақдирланди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, миллий маданият марказлари бадиий жамоаларининг концерт дастури ҳамда "Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Энг муносиблар тавсияномага эга бўлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган хизматчиларга мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш учун тавсиянома бериш тартиби Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг қўшма қарорига биноан тасдиқланган махсус низом билан белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарликка оид дастурларни ўзлаштириш даражаси ҳамда билимини якуний баҳолаш учун масъул этиб тайинланган. Олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш ниятидаги аскарлар учун махсус аудиториялар тайёрланган. Ўз навбатида, таълим муассасаларидан тажрибали назоратчи ҳамда кузатувчилар жалб этилган.

— Муддатли ҳарбий хизматга Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидан чақирилганман, — дейди оддий аскар Фахриддин Бекназаров. — Мақсадим — ўз бурчимни адо этгач, олий маълумотли бўлиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш. Синовларга астойдил тайёргарлик кўрдим. У очиқ, ошкора ва адолат тамойиллари асосида ташкил этилди. Кўзлаган ниятимга эришишимга ишонаман.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*АҚШнинг "IBM" корпорацияси даромади сурункасига ўн беш чоракдан бери пасаймоқда.*

### Фаолиятида пасайиш кузатилмоқда

Ўтган йилнинг биринчи чорагида у 4,5 млрд. доллар соф фойда кўрган бўлса-да, бу 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 19 фоиз камдир. Ўз навбатида, 2015 йилнинг октябрь — декабрь ойларидаги даромади ҳам 300 млн. долларга камайган. Акциялари эса 3 фоиз арзонлашган.

### Осма шиша кўприк

*Хитойда 2016 йилнинг июнь ойида энг узун осма шиша кўприк фойдаланишга топширилади.*



Айни пайтда Тяньмэньшань миллий боғида ушбу замонавий меъморчилик намунасининг қурилиши якунланмоқда. Унинг эни 6 метр, узунлиги 430 метр бўлса, платформаси ердан 300 метр баландда жойлашган. Кўприк бир вақтнинг ўзида 800 кишини кўтара олади. Шу асосда мамлакатда сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш режалаштирилган.

*Швейцариянинг Давос шаҳрида 46-анъанавий халқаро иқтисодий форум бошланди.*

### Рейтинглар эълон қилинди

Унда дунёнинг 140 давлатидан 2,5 мингдан ортиқ киши иштирок этмоқда. Тадбирда мамлакатларнинг тўққизта мезон бўйича рейтинги эълон қилинди. Жумладан, туризм, инновациялар, халқаро майдондаги ўрни ва таъсири, ижтимоий соҳа, маданият, тарихий мерос, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, бизнес учун яратилган қулайлик, аҳоли ҳаёти даражаси каби йўналишларда етакчилар аниқланди.



### Биллур стол

*Италиянинг "Calma e Gesso" дизайнерлик компанияси биллурдан ясалган теннис столини кенг оммага намойиш этди.*

Шаффоф инвентарни Парижда бўлиб ўтаётган интерьерларнинг халқаро "Maison & Objet" кўргазмасида кўриш мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур ўзига хос ярмарка 1995 йилдан бери ташкил этиб келинади. Унда ҳар йили уч мингдан ортиқ дизайнерлар қатнашади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ЭЪЛОНЛАР


**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- **2-стоматология кафедраси:** доцент.
- **Ортодонтия ва болалар стоматологияси кафедраси:** кафедра мудири.
- **Ультратовуш диагностикаси кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **1-стоматология кафедраси:** ассистент.
- **Оториноларингология кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
- **Онкология кафедраси:** кафедра мудири, доцент, ассистент.
- **Анестезиология ва реаниматология кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Урология кафедраси:** ассистент.
- **Травматология ва ортопедия кафедраси:** доцент.
- **Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси:** ассистент.
- **Ички касалликлар кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Эндокринология кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
- **Пульмонология ва клиник аллергология кафедраси:** ассистент.
- **Фтизиатрия кафедраси:** кафедра мудири.
- **Дерматовенерология ва косметология кафедраси:** ассистент.
- **Неонатология кафедраси** — кафедра мудири, ассистент.
- **Педиатрия кафедраси:** ассистент.
- **Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси:** профессор, доцент, ассистент.
- **Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия:** доцент.
- **Клиник лаборатор диагностика кафедраси:** ассистент.
- **Валеология кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Болалик даври юқумли ва паразитар касалликлар кафедраси:** ассистент.
- **Гигиена кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи.
- **Юқумли касалликлар кафедраси:** кафедра мудири, доцент, ассистент.
- **Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Нейрореабилитация ва Шарқ тиббиёти кафедраси:** доцент.
- **Эпидемиология кафедрасининг курс мудири:** доцент.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: (0-371) 268-29-10.**

60А/20

*Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси**

**2016 йил 30 январь куни соат 9.00 да**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ФАКУЛЬТЕТИнинг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари учун**

**«ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ»**

**тадбирини ўтказади.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ФАКУЛЬТЕТИни 2015/2016 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича талабалар битирадилар:

— **5230900** — **Бухгалтерия ҳисоби ва аудит**
— **5230800** — **Солиқлар ва солиққа тортиш**

**Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:**

— битирувчиларни иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мутахассисларга эҳтиёжи мавжуд корхона ва ташкилотларда ишга жойлашиш имкониятлари, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш;
— битирувчиларнинг махсус, касбий ва малакавий билимлари ҳамда қобилиятлари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларга тақдим этиш;
— иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасида интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиш, битирувчиларни касбга йўналтириш, ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш;
— иш берувчи корхона ҳамда ташкилотларда битирувчиларнинг малакавий амалиёт, стажировкаларини ўтказиш масалаларини муҳокама қилиш.

**Тадбир ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 1-ўқув биноси.**
**Маълумот учун маркетинг бўлими телефони: (+99871) 239-28-77.**

83R/36

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 26 февраль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 18 декабрдаги 15-1504/23182-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, Тўхтабоев номидаги ҚФЙ, Заркент маҳалласида жойлашган, ер майдони 1234,78 кв.м., қурилиш ости майдони 1047,45 кв.м., фойдаланиш майдони 672,12 кв.м. бўлган, 0001-0004-литерлардаги савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм.***

**2.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 4 августдаги 15-1404/9322-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 18-МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 159,44 кв.м., фойдаланиш майдони 129,99 кв.м. бўлган, 0001, 0002-литерлардаги бино-иншоотлар ва умумий майдони 675,97 кв.м. бўлган асфальт майдони.

***Бошланғич баҳоси — 14 539 205 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 24 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават.**
**Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

96А/34

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2015 йил 23 октябрдаги 23-1504/10879-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Мустақиллик кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 3500,00 кв.м., фойдаланиш майдони 1443,39 кв.м. бўлган, 1983 йилда қурилган, 32 хонали кинотеатр биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 306 937 293 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 3 февраль куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк 2016 йил 5 февраль куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 23 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 23 февраль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

91R/02

RESPUBLIKA MULK MARKAZI AJ RMM

***20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР***

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ҳамда нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф қилади.

**Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz**

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «Uz-Prista» ҚК МЧЖнинг 2016 йил 15 январдаги 01-028-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-«В» уй, Халқаро ҳамкорлик маркази ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Damas» русумли, давлат рақами 01/839 ZAA бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати ўрта, ранги оқ.

***Бошланғич баҳоси — 9 667 000 сўм.***

**2.** «Hyundai Sonata» русумли, давлат рақами 01/798 ZAA бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати ўрта, ранги оқ.

***Бошланғич баҳоси — 27 298 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 20210000300571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

*Гувоҳнома № 001580.*

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

***Хорижий сармоядорлар диққатига!***

«Respublika mulk markazi» АЖнинг устав фондидаги 34 фоиз, бошланғич баҳоси 1 568 627 339 сўм бўлган давлат улушини «Тошкент» РФБнинг биржа савдолари орқали сотиб олишни таклиф этамиз.

**Телефон: (0-371) 227-90-23.**

107R/17


Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Назарий ва амалий механика кафедраси доценти Жўра Мираҳмедовга қизи, Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси ассистенти

**Хуршида ҚОДИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси бўлим бошлиғи Шаҳбоз Худойбердиевга отаси

**Исомиддин ХУДОЙБЕРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси муҳандис Ғайрат Қобиловга онаси

**Назира ҚОБИЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Икромжон Раҳимовга отаси

**Қодир РАҲИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

IPOTEKA BANK

*Бугун давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат замирида, энг аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, буюк келажакни бунёд этиш, Ўзбекистонимизнинг доимо пешқадамлар сафида бўлишини таъминлаш каби устувор мақсадлар мужассам. Мустақил тараққиёт йилларида заминимизда барпо қилинаётган муҳташам иморатлар, равон йўлу кўприклар, обод хиёбон ва гузарлар, намунавий тураржойлар — буларнинг барчаси кўзланган ана шу юксак марраларимизга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.*

*Эътиборлиси, мазкур жараёнда мамлакатимиздаги молия муассасалари ҳам ўз сармоя ҳамда хизматлари билан фаол қатнашмоқда. Пировардида жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами йилдан-йилга кенгайиб, юртдошларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириши, замонавий қулайликлардан баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир.*

*Албатта, Ўзбекистон молия-банк тизимининг изчил ислоҳ этилиб, босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилаётгани бу борада янги ташаббуслар, истиқболли лойиҳалар рўёбига кенг йўл очмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминлангани қувонарлидир.*

*Хусусан, бундай юқори ўсиш суръатларини "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.*



## «Ипотека-банк»:

# БУНЁДКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 16 февралдаги қарори асосида ташкил қилинган ушбу молия муассасаси, мана, ўн йилдирки, уй-жой бозорини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келаяпти. Айни пайтда унинг 38 та филиали, 129 та минибанки, 530 дан ортиқ жамғарма ва махсус кассалари ҳамда 83 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали аҳолига замонавий банк хизматлари кўрсатилаётир. Бу эса нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик етакчи мутахассис ва экспертларнинг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Чунончи, "Moody's" ҳамда "Standard & Poor's" халқаро рейтинг компаниялари банкнинг кредит ҳамда депозит сиёсатини ижобий баҳолаб, бир неча йилдирки, "Барқарор" дея тасдиқлаб келаяпти.

Айтиш жоизки, уй-жой қурилиши соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш "Ипотека-банк" фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда ажратилаётган узоқ муддатли кредитлар республикамизда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш, мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, муассаса молиявий кўмагида жойларда бири-биридан кўркам иморатлар қад ростлаётир. Улар ён-атрофида замонавий инфратузилма шакллантирилмоқда. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилаяпти.

Маълумки, халқимиз азалдан кўркам ҳамда шинам уй-жойга эга бўлишни фаровон ҳаёт кечиришнинг энг муҳим шарти, деб ҳисоблайди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, хонадон файзи оиладаги тотувлик, қут-барака омилидир. Шу боис истиқлол йилларида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, уларни замонавий шарт-шароитларга эга тураржойлар билан таъминлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, бу орқали жойларда бугунги кун талабларига мос коммунал сектор, ижтимоий соҳа, транспорт ва коммуникация тармоқларини вужудга келтириш кўзда тутилган. Ана шундай хайрли мақсад-вазифаларни амалга оширишда эса "Ипотека-банк" кредитлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган йигит-қизларга моддий ҳамда маънавий кўмак беришда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Маълумки, тегишли низомга кўра, "Камолот" уйлари йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити эвазига бериладир. Унинг дастлабки беш йили имтиёзли давр ҳисобланиб, бошланғич бадал тўлови талаб қилинмайди. Уйларни фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган, қолаверса, ариза берилган пайтда ўттиз ёшдан ошмаган эр-хотинлар (иккаласи ҳам) ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Ўтган даврда мазкур молия муассасаси маблағлари ҳисобига юртимизда 1320 хонадонга мўлжалланган, умумий майдони 127 минг квадрат метрдан зиёд тураржойлар бунёд этилди. Биргина 2015 йилнинг ўзида 186,2 миллиард сўм маблағ эвазига республикамиз бўйича 50 та кўп қаватли уй-жой қурилиши молиялаштирилди. Андижон вилоятининг Асака, Балиқчи туманлари ҳамда Андижон шаҳри, Бухоро вилоятининг Бухоро, Когон шаҳарлари ва Ғиждувон туманида 3 тадан, пойтахтимизнинг Бектемир туманида эса битта "Камолот" уйи қурилишига молия муассасаси томонидан кредитлар ажратилди. Бундай имкониятдан 368 та ёш оила баҳраманд бўлди.



Қолаверса, Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги "2015 йилда Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида замонавий қулай тураржой яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Нурафшон кўчасида 130 хонадондан иборат 4 та кўп қаватли тураржой қуриб битказилди.

Албатта, бахтли ҳаёт кечириш — ҳар бир инсоннинг энг катта орзуси. Шундан келиб чиқиб, истиқлол йилларида шаҳар ва туман марказлари қаторида қишлоқ жойларни ҳам комплекс ривожлантиришга, ушбу ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. "Ипотека-банк" жамоаси, икки йилдирки, мазкур жараёнда фаол иштирок этиб келаяпти. Бу борадаги ишларни жадаллаштиришда эса Президентимизнинг 2015 йил 7 январдаги "2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу ҳужжатга мувофиқ, банк томонидан поёнига етган йилда жами 3049 та намунавий уй-жой қурилиши 361 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ҳисобидан молиялаштирилди. Эътиборли жиҳати, бу аввалги йилдагига нисбатан 3 баробар юқори кўрсаткичдир.

Ўтган йили, шунингдек, "Ипотека-банк"нинг аҳолига ажратган ипотека кредитлари ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Муассаса томонидан бир йил давомида 4280 та оилага 497,8 миллиард сўмлик ипотека кредитлари берилган бўлса, шундан 110,2 миллиард сўмлиги 1020 дан ортиқ оилага янги қурилган кўп қаватли уйларни сотиб олишга, қолган қисми эса 3042 та оилага уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун тақдим қилинди.

Бундан ташқари, юртдошларимизга маиший техника воситалари, мебель ва уй жиҳозлари сотиб олиш ҳамда бошқа мақсадлар учун 36 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ажратилгани ҳам диққатга сазовордир. Қувонарлиси, ушбу маблағларнинг 11 миллиард сўмлиги ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида берилди.

Маълумки, бунёдкорлик жараёни иқтисодиёт ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Буни инобатга олган "Ипотека-банк" жамоаси саноат тармоқларини, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратаяпти. Масалан, бултур мазкур йўналишда фаолият юритаётган қарийб 100 та тадбиркорлик субъектига жами 62,2 миллиард сўм миқдорида кредит берилиши натижасида нафақат ички бозор учун рақобатдош товарлар тайёрлаш ўзлаштирилди, балки қурилиш ташкилотларига маҳсулот етказиб бериш ҳажми ҳам ортди.

Молия муассасаларининг инвестициявий фаолияти уларнинг салоҳияти, хизмат кўрсатиш даражасини белгилаб беради. Зеро, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва кенгайтиришда бевосита банклар кўмагига таянадилар. Мазкур талаб ҳамда эҳтиёжни эътиборда тутган ҳолда, "Ипотека-банк" жамоаси ҳам ишбилармонларимизни қўллаб-қувватлаш, саноат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, ўтган йил мобайнида муассаса томонидан соҳа вакилларига 861 миллиард сўм миқдорида кредит ҳамда 207,7 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди. Натижада ушбу маблағлар ҳисобига кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ қилиниши баробарида, 17600 дан зиёд иш ўрни яратилди. Буларнинг барчаси юртимизда молия-банк тизими, кредитлаш механизми тубдан такомиллашиб, банк хизматлари кўрсатиш сифати янада яхшиланиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

***Мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилган. Бунинг самараси қишлоғу маҳаллаларимиз ободлиги, иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатлари, бозорларимиз тўкинлиги, дастурхонимиз файзу баракасида яққол намоён бўлмоқда. Бунда ўз ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.***

## Кичик бизнесга катта имтиёз

Корхонамиз ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, тайёрлаётган қурилиш материалларимиз — безакли майоликалар ҳамда тошойналаримизга буюртмалар тобора кўпаймоқда. Бундан ташқари, ойналарга ўймакор нақш тушириш, уларга турли шакл бериш хизматини ҳам йўлга қўйганмиз.

Сир эмас, бугунги соғлом рақобат муҳити тадбиркордан доимий изланишни талаб этади. Харидорлар истагидан келиб чиқиб иш юритиш учун эса янгиликка интилиш зарур. Шу сабабли мавжуд ускуна ва дастгоҳларимизни модернизациялашга доир лойиҳа тузиб, "Ипотека-банк"ка тақдим қилгандик. Молия муассасаси мутахассислари мурожаатимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, 452 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига хориждан энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар сотиб олдик. Кўп ўтмай, корхонамиз кунига 300 квадрат метр ҳажмда майолика тайёрлаш қувватига эга бўлди. Ўз навбатида, ўнга яқин иш ўринлари яратилди.

Келгусидаги режаларимиз катта. Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш орқали ташқи бозорга чиқмоқчимиз. Бунда "Ипотека-банк"нинг Яккасарой филиали молиявий кўмагига суянмоқчимиз.

**Одил ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Зета Максимум» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Замонавий андозалар асосида

***Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳига айланасиз. Ободлик, саришталикдан баҳридилингиз яйрайди. Ватанимизнинг кўрку тароватидан ғурур ва ифтихор туясиз. Буни кейинги йилларда Фарғона вилоятида юз бераётган улкан ўзгаришлар, барча жабҳада қўлга киритилаётган юксак муваффақиятлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Шу боис Президентимиз ушбу заминга таъриф берар экан, "Фарғона деганда, авваламбор, "Олтин водий" деб ном олган, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади", дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

2011 йил 15 ноябрда давлатимиз раҳбарининг "2012 — 2015 йиллар даврига Фарғона шаҳрининг асосий режасини амалга ошириш ҳамда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфраструктурасини қайта қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинганди. Мана, шундан буён ўтган даврда вилоятимиз маркази улкан қурилиш майдонига айланди. Натижада кенг қамровли бунёдкорлик юмушлари қисқа муддатда ҳаётбахш самараларини берди. Қолаверса, Қўқон ҳамда Марғилон шаҳарлари ҳам янада файзли ва тароватли манзилларга айланмоқда. Бугун ана шу эзгу ишларда, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан қувонамиз. Чунки корхонамиз бинокорлик фаолиятига ихтисослаштирилган. Жамоамиз томонидан бунёд этилган кўркам ҳамда муҳташам иморатлар вилоятимизнинг кўплаб ҳудудларида учрайди. Қурилиш жараёнида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштиришга интилиш баробарида, илғор тажрибаларни ўрганаяпмиз. Шу аснода фаолиятимизни йилдан-йилга кенгайтиришга эришаётирмиз. Бунда "Ипотека-банк" кўмаги қўл келмоқда. Ушбу молия муассасаси билан ҳамкорлик қилаётганимизга ўн йилдан ошибди. Ўтган даврда унинг сармояларидан фойдаланиб, Қўқонда 2 та, Фарғона шаҳрида 4 та кўп қаватли тураржой тиклаб, ўз эгаларига топширдик. Муҳими, кредит ажратиш механизми содда, шартлари мақбул. Банк хизматлари тезкор ҳамда кафолатли. Бу омиллар ишимизга унум бағишлаяпти.

Ҳозир корхонамизда 49 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 10 нафари касб-ҳунар коллежларини битирган йигитлардир. Тажрибали қурувчиларимиз ана шу ёшларга "Устоз — шогирд" анъанаси асосида касбимиз сир-синоатларини пухта ўргатиб боришаяпти.

Юртимизда қай бир соҳа вакили билан суҳбатлашманг, ўзлари учун яратилган бекиёс имкониятлар, имтиёзлардан сўз очади. Тадбиркорми, фермерми, спортчими, қўйингки, барчанинг тилида, дилида шукрона. Мендан сўрасангиз, бугун қурувчининг даври келди, деган бўлардим! Мана, шаҳар ва туман марказларидан бошланган ободлик энг чекка маҳаллаларимизгача, хонадонларимизгача кириб бораяпти. Муҳими, замондошларимиз қалбидаги ғайрат-шижоат, бугунги кундан шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари эзгу мақсадлар, юксак марралар сари йўл очмоқда. Ахир бу тинчликнинг, фаровонликнинг меваси-да. Бундай фароғатда яшагандан кейин халқимиз қалбида яратувчанлик иштиёқи жўш уриши табиий.

**Айгул ЗАКИРОВА,**
**Фарғона шаҳридаги «Файз Бинокор» корхонаси раҳбари.**

ЭЪТИРОФ

***Бахти бутун оилалардан биримиз. Ўтган йили катта ҳаётга қадам қўйдик. Ўшанда "Кенг ва шинам уйимиз бўлса қани эди", дея ният қилгандик. Кўп ўтмай, орзуимиз амалга ошди. Шаҳримиз марказидаги Маърифат кўчасида қад ростлаган кўп қаватли уйдан уч хонали тураржой соҳибига айландик.***

# Оиламиз қувончи

Бунда "Ипотека-банк"нинг Фарғона вилояти филиалидан ажратилган 106 миллион сўмлик имтиёзли ипотека кредити қўл келди.

Янги уйимизда барча шароит мавжуд. Коммуникация тармоқлари замонавий. Энг сўнгги русумдаги иситиш мосламалари ўрнатилган. Хоналари ёруғ. Энг муҳими, кредит фоизи ниҳоятда паст ҳамда уни қайтариш муддати биз учун жуда қулай.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, хонадонимизни харид қилишда зарур ҳужжатларни тайёрлашдан тортиб, нотариус орқали расмийлаштиришгача бўлган барча жараён банк ходимлари ёрдамида амалга оширилди. Шунинг ўзиёқ мазкур молия муассасасида ўз ишининг профессионаллари, мижоз учун жонкуяр мутахассислар ишлаётганидан далолат беради. Айниқса, ипотека кредитлари ажратишнинг пухта ва ошкора механизми ишлаб чиқилгани биз, мижозларга ҳар томонлама манзур бўлаётир.

Яқин келажакда ёш оилалар учун ажратилаётган истеъмол кредитлари шартлари билан танишиб, хонадонимиз учун зарур уй-рўзғор буюмларини сотиб олиш ниятидамиз. Бунда ҳам, албатта, банкнинг молиявий кўмагига таянамиз. Шубҳа йўққи, ёш оилалар учун яратилаётган бундай имконият ҳамда имтиёзлар уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришида муҳим аҳамият касб этаверади.

**Зарнигор АБДУЛЛАЕВА.**
Фарғона шаҳри

**«Ипотека-банк» материаллари асосида Фаррух БЎТАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 834 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6